

ТАЛАБАГА ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Маҳмудова М., ГулДУ талабаси

Мен ёшлигимдан математика фанига қизиқаман. Шунинг учун асосини математика ташкил этувчи иқтисодиёт йўналишини танлаганман. Устозларимдан бири “Математика-фанлар калити” кимда ким математикани яхши билса бошқа фанларни ҳам яхши била олади - деган эди анча йиллар олдин. Лекин, ҳаётни ўтмишсиз, тарихсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз мустақиллик мевалари, мустақиллик тенгдошларимиз. Мустақиллик йилларида тарихни, ўтмишни ўрганиш энг юқори босқичга чиқди. Бизнинг устозларимиз, акаларимиз тарихни бизчалик мукаммал ўрганишмаган, билишмаган. Айниқса, бугун Ўрта Осиё тарихини, буюк юртдошларимизни меросини ўрганиш учун барча шароит етарли. Мен бир бўлажак иқтисодчи сифатида қадимда ота-боболаримиз қандай ҳисоб-китоб билан шуғулланишганлиги билан жуда қизиқаман. Боболаримиз математика фанига қандай муносабатда бўлган? Ҳисоб-китобни нима билан қилишганлигига қизиқаман. Биз ёшлар тарих фани орқали Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий аҳволи, ривожланиш босқичлари, унинг халқаро миқёсидаги ўрни ва бошқалар ҳақида маълумотларга эга бўламиз.

Бугун бизга Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний, Мотрудий каби ўлмас сиймоларимиз меросларини, асарларини ўқиб ўрганиш имконияти яратилди.

Бугун мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг тўрт асосий маънавий-ахлоқий негизларга асосларини кўрсатганлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин номоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Биз талаба-ёшларга халқимиз қадимдан амал қилиб келган умуминсоний кадриятларни билишимиз, ўрганишимиз, унга риоя қилишимиз талаб қилинади. Чунки, минг йиллар давомида халқимизни тарбиялаб келган кадриятларимиз халқимиз куч-қудратининг асосий манбаидир.

Ватан сўзига она сўзи қўшиб Она-Ватан деб айтилади. Бугун ҳар бир ёш ўзи туғилиб ўсган юртини, Ватанини севиши, унинг тараққиёти учун бутун билими, салоҳиятини сарф қилиши зарур. Чунки, ватанпарварлик – Ватанни севиш, юртни, юрт тарихини пухта ўрганишдан бошланади. Ҳар бир ақли расо, баркамол инсон ўз тарихини билиши, ўз юрти ривожини учун меҳнат қилиши зарур.

Мухтарам Президентимиз биз ёшларга катта ғамхўрлик қилиб ўтган ўн саккиз йил ичида бир неча марта ёшлар ҳаёти ва фаолиятига алоҳида эътибор бериб, йилларни махсус номлар билан аташ анъанага айланди. Шунга мос равишда давлат дастури қабул қилдилар. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга оширишда биз ёшлар ижрочилармиз. Демак, буюк аجدодларимиз бутун дунё халқларига жудда катта маънавий, моддий мерос қолдирган эканлар, биз бу меросларни ўқиб, ўрганишимиз, ҳаётга татбиқ этишимиз талаб қилинади. Мен тарихдан бениҳоят кўп нарсаларни ўргандим. “Тарихни билмасдан келажакни ҳосил қилиб бўлмайди” деган нақлга доимо амал қилишимиз керак.

“Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди”, “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, - дейдилар И.Каримов. Тарихимиз бизни иродали, иймонли, садоқатли бўлишга ўргатади.

Тарих сабоқлари инсонларни, айниқса талаба-ёшларни ҳушёрликка, огоҳликка ўргатади. Хулқини баркамол бўлишга, иродасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Дунёда ўзбеклар кўп, лекин, Ўзбекистон битта. Ўзбекистоннинг ўз тарихи бор. Бу тарихни боғча боласидан тортиб 80 ёшни қоралаган отахон-онахонлар ҳам билишлари, ғурурланишлари,

фахрланишлари керак. Она диёримиз Ўзбекистонимиз фахрланишга, ғурурланишга арзийдиган жаннатмакон ўлка бўлиб, ўзининг бой тарихига эга.